

---

## Прокуратура ташаббуси билан оталиққа олинган ёшлар учун музейга саёҳат уюштирилди

Хабар бериб борилаётганидек, Ўзбекистон тумани прокуратураси ташаббуси билан оталиққа олинган алоҳида тоифадаги ёшлар иштирокида ватанпарварлик руҳи ва шахсий масъулият ҳиссини янада ошириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини ташкиллаш ҳамда жиноятчиликни олдини олиш мақсадида мақсадида туркум профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шу мақсадда сектор ҳудудидаги оталиққа олинган ёшлар учун Худоёрхон Ўрдаси меъморий ёдгорлиги, Қўқон ўлкашунослик музейига саёҳат ташкилланди.

Бириктирилган ходимлар, хусусан департамент ва мажбурий ижро бюроси мутасаддилари ҳам жалб қилинган саёҳат ёшлар учун мазмунга бой ўтди.

2024-09-12 09:33:17